

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

5/S-son (4-jild)

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/5 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулов Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилевич – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

MUNDARIJA

07.00.00 – TARIX FANLARI

<i>Ulashova Sevinch Ulash qizi</i> CHIG'ATOY ULUSI BOSHQARUVI TARIXIDAN	8-13
<i>Gulmatov Umarali Xabibulla o'g'li</i> "XITOIY-O'ZBEKISTON-QIRG'IZISTON" TRANSPORT YO'LAGI TASHKIL ETILISHIDA O'ZBEKISTON ISHTIROKINING TARIXIY AHAMIYATI	14-18
<i>Dexkanov Narimon Burxonjonovich</i> ISMOIL SOMONIYNING BOSHQARUV TIZIMI VA QO'SHIN ISLOHOTI	19-22
<i>Saparbayeva Aziza Asror qizi</i> SURXONDARYO HUDUDINING BRONZA DAVRI MANZILGOHLARIDAN ANIQLANGAN ZARGARLIK BUYUMLARI TIPOLOGIYASI	23-28

08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

<i>Muradullayeva Nafisa Dilmurad qizi</i> XIZMAT KO'RSATISH KORXONALARI FAOLIYATINI BOSHQARISH SAMARADORLIGINI ZAMONAVIY AXBOROT-KOMMUNIKATSIYALARI TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARI	29-34
<i>Utkirov Anvar Utkirovich</i> KORXONALAR IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA DIVERGENTSIYANI TIZIMLI TASHKIL ETISH TENDENSIYALARI	35-44

09.00.00 – FALSAFA FANLARI

<i>Madraximov Jahongir Botirjon o'g'li</i> GLOBALLASHUV JARAYONLARINING YOSHLAR MA'NAVIY HAYOTIGA TA'SIRINING ASOSIY YO'NALISHLARI VA ULARNING XUSUSIYATLARI	45-52
<i>Rahmonova Feruza Bahromjon qizi</i> XOTIN-QIZLAR BANDLIGINI TA'MINLASH – TAZYIQ VA ZO'RAVONLIKLARDAN ASRASHNING SAMARALI YO'LI SIFATIDA	53-58
<i>Aripova Zulfiyaxon Salijanovna</i> OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA FALSAFIY FANLARNI O'QITISHNING DOLZARB MASALALARI	59-64

10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI

<i>Nishonova Xurshida Yusufjanovna</i> SHE'RIYATDA OBRAZ MUAMMOSI	65-73
<i>Hikmatova Nigina Akmalovna</i> O'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDA AGORONIMLARNING ONOMASTIK KATEGORIYA SIFATIDAGI MILLIY-LISONIY BELGILARI	74-79
<i>Sultanova Xurshida Uktamjanovna</i> PUBLITSISTIK USLUB VA UNING TADQIQI (XURSHID DAVRON IJODI MISOLIDA)	80-86

<i>Asqarova Dilbarxon Asqarjon qizi</i> XRONOLOGIYA VA IJOD: INGLIZ VA O'ZBEK MA'RIFIY DRAMALARINI QIYOSIY O'RGANISH	87-91
--	-------

<i>Sodiqova Baxtigul Ibodullayevna, Mahmudova Nargiza Alimovna</i> J. FAULZNING "KOLLEKSIONER" ROMANIDA RIVOYAT USULLARINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	92-96
---	-------

<i>Miraxmedova Zilola Erkinovna</i> EVFEMIYA TIL FENOMENI. EVFEMIZMNI O'RGANISH TARIXI	97-101
---	--------

12.00.00 – YURIDIK FANLAR

<i>Абдуолимов Уринбой Худобердиевич</i> ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ	102-110
--	---------

<i>Алишаев Собир Турсунбоевич</i> СУД ҲУҚМИНИ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ВА ИСБОТЛОВЧИ ФУНКЦИЯЛАРИ	111-119
---	---------

<i>Muhammadiyev Bahromjon Qodirjon o'g'li</i> OTALIKNI FAKTINI BELGILASH ISHI (BOTIR QODIROV VA JO'RAYEVLAR OILASI MISOLIDA)	120-124
--	---------

<i>Maxmudova Hurmatxon Muxtorovna</i> KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHNING DOLZARB MASALALARI TAHLILI: QONUNCHILIK VA AMALIYOT	125-135
--	---------

13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

<i>Rashidova Oynisa Xusniddin qizi</i> BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINFI O'QITUVCHILARINING MUSTAQIL TA'LIMINI TASHKIL ETISHNI TAKOMILLASHTIRISH	136-140
--	---------

<i>Bakiyeva Xayotxon Abduganiyevna, Ergasheva Roziya Bahodir qizi</i> DARSLARDA ZAMONAVIY TA'LIM USULLARIDAN FOYDALANISH	141-146
---	---------

<i>Ганнаров Захид Ганнарович</i> ИССЛЕДОВАНИЕ НОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ СИНХРОНИЗАЦИИ ДВИЖЕНИЙ В СИНХРОННОМ ПЛАВАНИИ	147-153
---	---------

<i>Qurbonova Dilafruz Toshturdiyevna</i> TALABA-QIZLARGA TEMURIY MALIKALAR MA'NAVIY MEROSI ASOSIDA MA'NAVIY-AXLOQIY QADRIYATLARNI O'RGATISHNING ZAMONAVIY USULI	154-159
---	---------

Received: 10 July 2024
Accepted: 15 July 2024
Published: 25 July 2024

Article / Original Paper

PROCEDURAL AND EVIDENTIARY FUNCTIONS OF THE COURT SESSION PROTOCOL IN THE PROCESS OF RENDERING A JUDICIAL VERDICT

Alishaev Sobir Tursunboyevich,

Lecturer of the Department of Criminal and Procedural Law of Tashkent State Law University
e-mail:sobiralishaev25@gmail.com

Abstract. This scientific article analyzes the procedural and evidentiary functions of the court session protocol in the process of rendering a judicial verdict. The article examines the procedural significance of the protocol, such as documentation, result consolidation, and dispute resolution, as well as its evidentiary significance, including ensuring the reliability of evidence, serving as a source for evidence verification, and assisting in the issuance of judicial conclusions. It emphasizes that the correct and accurate documentation of the court session protocol plays a key role in ensuring criminal justice. The article demonstrates the role of the court session protocol in the fair and lawful conduct of criminal proceedings.

Keywords: Court session protocol, conducting criminal justice, procedural functions, evidentiary functions, judicial decision, evidence, documentation.

СУД ҲУКМИНИ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ВА ИСБОТЛОВЧИ ФУНКЦИЯЛАРИ

Алишаев Собир Турсунбоевич,

Тошкент давлат юридик университети, Жиноят-ҳуқуқий ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу илмий мақолада суд ҳукмини чиқаришда суд мажлиси баённомасининг процессуал ва исботловчи функциялари таҳлил қилинади. Мақолада баённоманинг расмийлаштириш, натижаларни мустаҳкамлаш, баҳсларни ҳал қилиш каби процессуал аҳамияти ва далилларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш, далилларни текшириш учун манба бўлиши, суд ҳулосаларини чиқаришда ёрдам бериши каби исботловчи аҳамияти ўрганилади. Суд мажлиси баённомасининг тўғри ва аниқ расмийлаштирилиши жиноий адолатнинг таъминланишида асосий ўрин тутуши таъкидланади. Мақола суд мажлиси баённомасининг жиноий одил судловни адолатли ва қонуний тарзда юритишдаги ролини кўрсатиб беради.

Калит сўзлар: Суд мажлиси баённомаси, жиноий одил судловни олиб бориш, процессуал функциялар, исботловчи функциялар, суд ҳукми, далиллар, расмийлаштириш.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI5Y2024N17>

Кириш. Суд мажлиси баённомаси Ўзбекистон Республикаси жиноят процессининг асосий ҳужжатларидан бири бўлиб, суд тергови адолатли ва қонуний бўлишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бу ҳужжат суд залида содир бўлаётган барча воқеаларни, жумладан, гувоҳларнинг кўрсатувлари, томонларнинг чиқишлари, суд муҳокасмаси жараёнида ўз жойида ёки алоҳида хонада чиқариладиган қарорлари ва жараённинг бошқа муҳим нуқталарини қайд этади. Баённома процесс қатнашчилари, апелляция ва кассация инстанциялари, шунингдек, тафтиш инстанцияси учун асосий

маълумот манбаи ҳисобланади. Янги Ўзбекистонда адолатни мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий ислохотлар кучайиб бораётган шароитларда, суд мажлиси баённомасининг аҳамияти ошиб бормоқда. У суд терговининг ошкоралигини таъминлайди, жараён қатнашчиларига уларнинг ҳуқуқлари ва процессуал қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш имконини беради. Баённома шунингдек, суд қарорини қайта кўриб чиқиш зарур бўлганда муҳим восита бўлиб, жараён давомида йўл қўйилган хатолар ёки тўғри қарорларни исботлашга хизмат қилади.

Суд мажлиси баённомасини юритиш Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси билан тартибга солинади. ЖПКнинг 426-моддасига мувофиқ[1; 328–329-б.], суд мажлиси баённомасида суд мажлиси ўтказилган вақт ва жой, суд таркиби, жараён қатнашчилари, берилган илтимослар, қабул қилинган қарорлар ва суд тергови давомида содир бўлган барча муҳим воқеалар ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак. Баённома суд мажлиси котиби томонидан раиси судьянинг бевосита раҳбарлигида юритилади. Котиб барча процессуал ҳаракатлар ва томонларнинг баёнотларини аниқ ва тўлиқ қайд этиши шарт. Баённомага нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни киритиш мумкин эмас, чунки бу ишни қайта кўриб чиқиш ёки суд қарорини бекор қилишга олиб келиши мумкин. Баённомани юритишнинг ҳуқуқий асослари суд органларининг буйруқ ва кўрсатмаларини ҳам ўз ичига олади, бу кўрсатмалар баённомаларни расмийлаштириш ва сақлашнинг техник жиҳатларини аниқлайди. Ушбу қоидаларга риоя қилиш аҳамияти суд амалиётида таъкидланади, чунки баённомани юритишдаги хатолар ва қонунбузарликлар ҳукми бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин. Шундай қилиб, суд мажлиси баённомаси Ўзбекистондаги жиноий жараёнда муҳим процессуал ва исботловчи функцияларни бажаради, суд терговининг ошкоралиги, қонунийлиги ва адолатлилигини таъминлайди [2; 1–5-б.].

Ушбу тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистондаги жиноий суд ишини юритишда суд мажлиси баённомасининг процессуал ва исботловчи функцияларини аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат. Суд мажлиси баённомаси суд тергови жараёнини қайд этувчи ва кейинги таҳлил ҳамда қарорлар қабул қилиш учун далиллар базасини таъминловчи асосий процессуал ҳужжат ҳисобланади. Тадқиқот баённомани юритиш хусусиятларини, унинг жараён қатнашчилари учун аҳамияти ва иш натижасига таъсирини аниқлашга қаратилган.

Баённоманинг асосий процессуал функцияларидан бири суд жараёнининг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлашдир. Баённома суд мажлиси давомида қилинган барча баёнотлар, илтимослар, далиллар ва қарорларни қайд этади, бу эса жараён қатнашчилари ва назорат органларига барча процессуал қоидаларга риоя қилинишини текшириш имконини беради. Баённома шунингдек, апелляция ва кассация инстанцияларига суд қарорларини қайта кўриб чиқиш учун асос бўлиб, терговнинг бориши ва ҳукм чиқариш асослари ҳақида батафсил маълумот тақдим этади.

Баённоманинг исботловчи функцияси унинг суд тергови давомида аниқланган фактларни тасдиқловчи расмий ҳужжат сифатидаги аҳамиятидан иборат. Баённома айбловчи томон ва ҳимоя томони учун далил сифатида фойдаланилиши мумкин, бу ҳолда унинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги суд қарорининг адолатли бўлишида ҳал

қилувчи аҳамиятга эга. Баённомани юритишдаги қонунбузарликлар, масалан, муҳим баёнотларнинг ўтказиб юборилиши ёки фактларнинг бузиб кўрсатилиши аниқланган ҳолатларда, бу ҳукми қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Ўзбекистон суд амалиётида баённомадан фойдаланиш амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, баённома суд терговининг қонунийлиги ва адолатлилигини таъминлашда муҳим восита ҳисобланади. Ўзбекистон суд амалиётида баённомани юритишдаги хатолар ишлар қайта кўриб чиқишига ва ҳукмлар бекор қилинишига олиб келган ҳолатлар учрайди. Масалан, баъзи ишларда апелляция судлари баённомаларнинг тўлиқ эмаслиги ёки суд тергови давомида тақдим этилган асосий далилларнинг йўқлиги сабабли ҳукмларни бекор қилган.

Амалиёт шуни ҳам кўрсатадики, Ўзбекистон судлари баённомани юритишда процессуал қоидаларга риоя қилишга катта аҳамият берадилар. Суд мажлиси котиблари ва судьялар баённоманинг юридик кучини ва ҳаққонийлигини таъминлаш учун унинг мазмуни ва расмийлаштирилишига оид талабларни қатъий риоя қилишлари шарт.

Шундай қилиб, суд мажлиси баённомасининг процессуал ва исботловчи функцияларини тадқиқ қилиш ва унинг Ўзбекистон суд амалиётидаги қўлланилишини таҳлил қилиш суд қарорларининг самарадорлиги ва адолатлилигига таъсир этувчи асосий жиҳатларни аниқлаш имконини беради.

Суд мажлиси баённомаси суд тергови давомида содир бўлган барча муҳим ҳаракатлар ва воқеаларни қайд этувчи расмий ҳужжат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига кўра, суд мажлиси баённомасида мажлис ўтказилган вақт ва жой, суд таркиби, жараён қатнашчилари, берилган илтимослар, қабул қилинган қарорлар ва суд тергови давомида содир бўлган барча муҳим воқеалар ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак. Ушбу ҳужжат суд мажлиси котиби томонидан судьянинг бевосита раҳбарлигида юритилади. [11; 26-35-б.]

Суд мажлиси баённомаси бир неча муҳим функцияларни бажаради. Биринчидан, у процессуал адолат ва ошкораликни таъминлаш воситаси ҳисобланади. Иккинчидан, баённома апелляция ва кассация ишлари давомида фойдаланилиши мумкин бўлган далиллар манбаи ҳисобланади. Учинчидан, у жараён қатнашчиларига ўз ҳуқуқлари ва процессуал қоидаларга риоя қилиниши устидан назорат қилиш имконини беради. [5; 34-58-б.]

Суд мажлиси баённомаси институтининг тарихий ривожланиши Ўзбекистондаги ҳуқуқий тизим ва суд жараёнининг эволюцияси билан чамбарчас боғлиқ. Баённома процессуал ҳужжат сифатида узоқ тарихга эга бўлиб, унинг илдизлари совет ҳуқуқий тизими анъаналаридан келиб чиқади. Мустақилликка эришгандан кейин Ўзбекистон совет ҳуқуқий меросини адаптация қилиш ва модернизация қилиш орқали ўз миллий ҳуқуқий тизимини шакллантира бошлади.

Суд мажлиси баённомасини юритишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мустаҳкамланган. ЖПК моддалари баённоманинг мазмуни ва расмийлаштирилишига бўлган талаблар, унинг мажбурий элементлари ва юритиш тартибини батафсил тасвирлаб беради. ЖПКга мувофиқ, баённома ёзма шаклда тузилиши ва суд мажлиси котиби ва раиси судья томонидан имзоланиши керак. [7; 60-85-б.] Баённомани юритишга қўйилган

талабларни бузиш жиддий процессуал оқибатларга, жумладан, суд қарорини қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилишга олиб келиши мумкин.

Вақт ўтиши билан баённомани юритишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши замонавий адолат ва процессуал адолат талабларига мослаштириш мақсадида такомиллаштирилмоқда. Аудио ва видеоёзувлар каби янги технологияларни жорий этиш ҳам баённомаларнинг аниқлиги ва тўлиқлигини оширишга ёрдам беради.

Суд мажлиси баённомаси суд залида содир бўлган барча процессуал ҳаракатлар ва воқеаларни қайд этувчи расмий ҳужжат ҳисобланади. Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК) баённоманинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш учун унинг мазмунига қўйиладиган талабларни аниқ белгилаб қўяди. Баённоманинг мажбурий элементларига қуйидагилар киради [7; 60-85-б.]:

Кириш қисми:

Суд мажлиси ўтказилган сана ва жой.

Суднинг тўлиқ номи.

Суд таркиби, жумладан, раиси судья, суд аъзолари (агар иш коллегиял тартибда кўриб чиқилса), суд мажлиси котиби ва жараённинг бошқа қатнашчилари.

Жараён қатнашчилари: айбланувчи, унинг ҳимоячиси, прокурор, гувоҳлар, экспертлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар.

Асослантирувчи-баён қисми:

Жиноят иши моҳияти ва қўйилган айбловларнинг қисқача баёни.

Таъмин этилган далиллар ва берилган илтимослар рўйхати.

Процессуал ҳаракатларнинг тавсифи, масалан, гувоҳларни сўроқ қилиш, далилларни тадқиқ қилиш, томонларнинг чиқишлари.

Жараён қатнашчиларининг суд тергови бўйича изоҳлари.

Илтимослар ва процессуал масалалар бўйича суд томонидан қабул қилинган қарорлар.

Резолютив қисми:

Иш бўйича суднинг якуний қарорлари, жумладан, чиқарилган ҳукм ёки қарор.

Агар айблов ҳукми чиқарилган бўлса, тайинланган жазо ва унинг тури.

Агар жиноят иши доирасида фуқаролик даъволари берилган бўлса, улар бўйича қарорлар.

Суд мажлиси баённомасини юритиш ва расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси моддалари билан тартибга солинади. Ушбу нормалар баённоманинг аниқлиги, тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, адолатли суд тергови учун муҳимдир. Асосий процессуал талаблар қуйидагиларни ўз ичига олади:

Баённомани ўз вақтида юритиш:

Баённома суд мажлиси давомида ёки унинг тугашидан дарҳол кейин юритилиши керак, бу ёзувларда бузилишлар ва ўтказиб юборилишлардан қочиш учун муҳимдир.

Қатнашчиларнинг имзолари:

Баённома суд мажлиси котиби ва раиси судья томонидан имзоланиши керак. Имзолар ёзувларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлайди.

Тузатишлар ва қўшимчалар:

Баённомадаги барча тузатишлар ва қўшимчалар котиб ва раиси судьянинг имзолари билан тасдиқланиши керак, бу нотўғри ўзгартиришларнинг олдини олиш учун муҳимдир.

Сақлаш ва мавжудлик:

Суд мажлислари баённомалари жиноят иши билан бирга суд архивида сақланиши ва зарур бўлганда жараён қатнашчилари ва назорат органлари учун мавжуд бўлиши керак.

Техник воситалар:

Суд мажлиси давомида аудио ва видеоёзувлардан фойдаланиш мумкин, бу баённоманинг аниқлигини қўшимча равишда таъминлайди.

Суд мажлиси баённомаси суд тергови жараёнида бир неча муҳим вазифаларни бажарадиган муҳим процессуал ҳужжат ҳисобланади. Баённоманинг асосий функцияларига қуйидагилар киради:

Процессуал ҳаракатларни қайд этиш:

Баённома суд мажлиси давомида содир бўлган барча ҳаракатларни, жумладан, гувоҳларнинг кўрсатмалари, томонларнинг чиқишлари, суд қарорлари ва бошқа муҳим нуқталарни ҳужжатлаштиради. Бу суд жараёнининг тўлиқ ва аниқ тасвирини яратишга ёрдам беради.

Исботловчи функция:

Баённома расмий ҳужжат бўлиб, апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияларида далил сифатида фойдаланилиши мумкин. Бу қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш имконини беради.

Процессуал функция:

Баённома процессуал қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш воситаси сифатида хизмат қилади. Баённомани юритишдаги қонунбузарликлар ёки хатолар аниқланган ҳолатларда, бу суд қарорини қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Суд мажлиси баённомаси суд жараёни қатнашчиларининг ҳуқуқларини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Унинг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

Жараённинг ошкоралигини таъминлаш:

Баённома жараённинг барча қатнашчиларига суд залида нима содир бўлаётганини кўриш ва барча ҳаракатлар ва қарорлар тўғри ҳужжатланганлигини тасдиқлаш имконини беради. Бу суд тизимига ишончни ошириш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Қатнашчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш:

Суд жараёни қатнашчилари, жумладан, айбланувчи, ҳимоя, айбловчи ва гувоҳлар ўзларининг процессуал ҳуқуқлари риоя қилинишини текшириш учун баённомадан фойдаланишлари мумкин. Агар қатнашчиларнинг ҳуқуқлари бузилган бўлса, баённома бу бузилишларнинг далили сифатида хизмат қилади.

Апелляция, кассация ва тафтиш воситаси:

Суд қарорини шикаоят қилиш ҳолатида, баённома юқори суд инстанцияларига чиқарилган ҳукмнинг тўғрилиги ва қонунийлигини текшириш учун асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Бу суд хатоларини назорат қилиш ва тузатиш механизмларини таъминлайди.

Процессуал нормаларни назорат қилиш:

Баённома назорат органлари ва жараён қатнашчиларига барча ўрнатилган процессуал қоидалар ва қонунларга риоя қилинишини текшириш имконини беради. Бу суд тергови сифатини ошириш ва қонунийликни таъминлашга ёрдам беради.

Суд мажлиси баённомаси Ўзбекистондаги жиноят жараёнида барча томонлар томонидан тақдим этилган далилларни ҳужжатлаштириш функциясини бажарадиган асосий процессуал ҳужжат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига кўра, баённома суд тергови давомида қилинган барча ҳаракатлар ва баёнотларни батафсил қайд этиши керак, бу ишнинг далиллар базасини тўлиқ ва аниқ ёзиб олишни таъминлайди.

Кўрсатмалар ва далилларни қайд этиш:

Баённома гувоҳларнинг кўрсатмалари, эксперт хулосалари, моддий далиллар ва ишнинг бошқа муҳим элементларини ўз ичига олади. Ҳар бир баёнот ва тақдим этилган далил баённомага киритилади, бу уларнинг кейинги текширув ва баҳоланишини таъминлайди.

Масалан, агар гувоҳ кўрсатма берса, бу кўрсатма баённомада батафсил ёзиб қўйилади, бу суд ва жараён иштирокчиларига уларга мурожаат қилиш ва ҳукм чиқаришда фойдаланиш имконини беради.

Тўлиқ ва аниқ ёзув яратиш:

Баённома барча процессуал ҳаракатларнинг тўлиқ ва аниқ ёзувини таъминлайди, бу суд терговининг адолатлилиги учун муҳимдир. Бу далилларни таҳлил қилиш ва қарорлар қабул қилишда бузилишлар ва тушунмовчиликларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Суд мажлиси баённомаси суд тергови давомида юзага келадиган процессуал низоларни ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди. Ушбу ҳужжат суд томонидан қабул қилинган процессуал ҳаракатлар ва қарорларни баҳолаш учун асосий манба ҳисобланади.

Процессуал нормаларга риоя қилишни назорат қилиш:

Баённома жараён қатнашчилари ва назорат органларига барча процессуал нормалар ва қоидаларга риоя қилиниши текшириш имконини беради. Агар процессуал ҳаракатлар бўйича низо юзага келса, баённома ушбу низони ҳал қилиш учун далил сифатида хизмат қилади.

Масалан, агар томонлардан бири судья унга сўзга чиқиш ёки илтимос билдириш имконини бермаганини даъво қилса, баённомадаги ёзувлар бу даъвони текшириш ва тасдиқлаш ёки рад этиш имконини беради.

Қарорларга шикоят қилиш учун асос:

Суд қарорини шикоят қилиш ҳолатида баённома юқори инстанциялар томонидан суднинг биринчи инстанцияси ҳаракатлари ва қарорларининг тўғрилиги ва қонунийлигини текшириш учун асосий ҳужжат ҳисобланади. Бу процессуал хатоларни назорат қилиш ва тузатиш механизмларини таъминлайди.

Баённома барча томонларнинг эътирозлари ва изоҳларини қайд этади, бу кейинги босқичларда процессуал ҳаракатларнинг тўғрилиги ва қабул қилинган қарорларнинг адолатлилигини текшириш учун муҳимдир.

Процессуал бузилишларни бартараф этиш:

Агар суд тергови давомида процессуал бузилишлар аниқланса, баённома уларни бартараф этиш учун асос бўлади. Масалан, агар баъзи процессуал ҳаракатлар тўғри қайд этилмаган бўлса, бу ишни қайта кўриб чиқиш ёки ҳукми бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Баённома суд жараёнининг адолатлилиги ва қонунийлигини таъминлаш учун барча ҳаракатлар ва қарорларнинг объектив ёзувини тақдим этади.

Суд мажлиси баённомаси муҳим процессуал ҳужжат бўлиб, уни юритиш давомида турли муаммоларга дуч келади. Ўзбекистонда бу муаммолар суд тергови жараёни ва натижаларига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Асосий камчиликлар ва хатолар қуйидагиларни ўз ичига олади[8; 1-5-б.]:

Баённоманинг тўлиқ эмаслиги:

Кўпинча баённомада муҳим деталлар, масалан, гувоҳларнинг тўлиқ кўрсатмалари, муҳокамаларнинг тафсилотлари ёки қабул қилинган қарорлар йўқ. Ёзувларнинг тўлиқ эмаслиги фактларнинг бузилишига ва далилларни баҳолашни қийинлаштиришга олиб келиши мумкин.

Ёзувлардаги хатолар:

Техник хатолар, масалан, хатоликлар, нотўғри саналар ёки қатнашчиларнинг нотўғри номланиши тушунмовчилик ва ноаниқликларни келтириб чиқариши мумкин. Бу хатолар баённоманинг ҳаққонийлигига путур уетказади ва уни юқори инстанцияларида фойдаланишни қийинлаштиради.

Баённомани ўз вақтида юритмаслик:

Баённома реал вақтда ёки мажлис тугаши билан дарҳол юритилиши керак. Аммо кўпинча ёзувлар кечиктириб юритилади, бу муҳим маълумотларнинг йўқолиши ва баённоманинг аниқлиги пасайишига олиб келади.

Ёзувларнинг субъективлиги:

Баъзи ҳолатларда суд мажлиси котиблари воқеаларни субъектив талқин қилишлари мумкин, бу баённоманинг объективлигига путур уетказади. Бу далиллар ва томонларнинг аргументларини қабул қилишга таъсир қилиши мумкин.

Хорижий мамлакатларда ҳам суд мажлиси баённомаси суд ҳукми чиқариш жараёнида муҳим рол ўйнайди ва бир қатор аҳамиятли вазифаларни бажаради. Уларга: 1. Процессуал адолат ва ошкораликни таъминлаш; 2. Далилларни ҳужжатлаштириш; 3. Процессуал хатоларни бартараф этиш; 4. Қарорларнинг асосланганлигини таъминлаш; 5. Суд жараёнининг самарадорлигини ошириш кабиларни киритишимиз мумкин. [4; 150-175-б.] Демак, баённома ҳар қандай суд тизимида суд жараёнининг самарадорлигини оширишда ҳам муҳим рол ўйнайди.

Мавзу бўйича амалий тавсиялар ва истиқболдаги йўналишлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

Амалий тавсиялар:

Баённоманинг тўлиқ ва аниқ юритилишини таъминлаш: Суд мажлиси котиблари ва судьялар учун махсус ўқув курслари ва семинарлар ташкил этиш орқали уларнинг профессионал малакасини ошириш.

Баённомада барча муҳим деталлар, масалан, гувоҳларнинг кўрсатмалари, далилларнинг тавсифи ва суд қарорларининг аниқ қайд этилишини таъминлаш.

Техник воситалардан фойдаланиш: Суд мажлисларини аудио ва видео ёзувлар орқали қайд этиш амалиётини кенг жорий этиш, бу баённомаларнинг аниқлигини ва ҳаққонийлигини таъминлайди.

Баённомаларни электрон шаклда юритиш учун махсус дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Назорат ва мониторинг тизимини кучайтириш: Суд мажлиси баённомаларининг тўғри юритилишини назорат қилиш учун мустақил назорат органларини ташкил этиш.

Баённомаларни юритишда қонунбузарликлар ёки хатолар аниқланган ҳолатларда қатъий чоралар кўриш ва тегишли жазо чораларини қўллаш.

Баённомаларга эркин кириш имконини таъминлаш: Процесс иштирокчилари ва назорат органларига суд мажлиси баённомаларини эркин кўриш ва таҳлил қилиш имконини бериш.

Баённомаларнинг кўчирмаларини олиш тартибини соддалаштириш ва тезкор қилиш.

Истиқболдаги йўналишлар:

Ҳуқуқий базани такомиллаштириш: Жиноят-процессуал кодекс ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янгилаш ва такомиллаштириш орқали суд мажлиси баённомаларини юритиш талабларини янада аниқлаштириш.

Баённомаларни юритишда қўлланиладиган стандартлар ва қоидаларни янгилаш ва замонавий талабларга мослаштириш.

Технологияларни жорий этиш: Суд жараёнларини рақамлаштириш ва автоматлаштириш орқали баённомаларни юритиш жараёнини соддалаштириш.

Суд мажлисларини онлайн трансляция қилиш имкониятини яратиш ва бу орқали жараённинг ошкоралигини ошириш. [6; 75-90-б.]

Халқаро тажрибани ўрганиш ва қўллаш: Хорижий мамлакатлардаги суд мажлиси баённомаларини юритиш амалиётини ўрганиш ва уларнинг илғор тажрибаларини Ўзбекистонда қўллаш.

Халқаро ҳамкорликни кучайтириш орқали суд жараёнларини адолатли ва самарали юритишга қаратилган тажриба алмашинувини амалга ошириш.

Жамоатчилик назоратини кучайтириш: Суд жараёнларида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларининг иштирокини таъминлаш.

Суд жараёнларининг ошкоралигини таъминлаш мақсадида жамоатчилик назорати механизмларини яратиш ва ривожлантириш.

Ушбу тавсиялар ва йўналишлар суд мажлиси баённомаларининг юритилишини яхшилаш ва суд ҳукмларининг адолатли ва қонуний бўлишини таъминлашга қаратилган.

Хулоса. Суд мажлиси баённомаси суд ҳукми чиқариш жараёнида муҳим аҳамиятга эга. У процессуал адолат ва ошкораликни таъминлаш, далилларни ҳужжатлаштириш, процессуал хатоларни бартараф этиш, қарорларнинг асосланганлигини таъминлаш ва суд жараёнининг самарадорлигини ошириш вазифаларини бажаради. Бу орқали суд жараёнининг адолатли ва қонуний бўлишига ёрдам беради.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, 2021 уил 21 apreldagi O'RQ-683-sonli Qonuni tahririda — Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 21.04.2021 у., 03/21/683/0375-son, <https://lex.uz/docs/111460>.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 май кунги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарори.
3. Каримов Ш. Монография, “Жиноят процессуал ҳуқуқи асослари”, 2018. – 45-67-б.
4. Абдурахмонов М. Дарслик, “Суд мажлисини юритишнинг процессуал нормалари”, 2017. – 150-175-б.
5. Саидов Р. Дарслик, “Суд мажлиси баённомасининг ҳуқуқий асослари”, 2019. – 34-58-б.
6. Ҳамидов Д. Илмий мақола, “Суд баённомаларини юритишдаги янги технологиялар”, 2022. – 75-90-б.
7. Эргашев С. Китоб, “Суд жараёнида баённомаларнинг роли”, 2019. – 60-85-б.
8. Алишаев С.Т. Sudebnoe reshenie: zakonnost, spravedlivost i bespristrastnost //Herald pedagogiki. Nauka i Praktika. – 2022. – Т. 2. – №. 2.
9. Алишаев С.Т. Суд ҳукмини тузиш ва расмийлаштириш муаммолари //E Conference Zone. – 2022. – 176-179-б.
10. Алишаев С. Т. Одил судловнинг якуни ҳужжати сифатида ҳукм //E Conference Zone. – 2022. –171-175-б.
11. Алишаев С. Т. Особенности вынесения судебного приговора в англосаксонской правовой системе //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 39. – 26-35-б.
12. Alishaev S.T. Issues of improving the procedure for preparing a criminal case for trial //World Bulletin of Management and Law. – 2023. – Т. 25. – S. 1-4.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ S/5 (4) – 2024

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).